



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 5 март, № 47 (7549)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



«НАВРЎЗИНГ – ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ МУБОРАК, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКISTONИМ!»



Арафа

Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган «2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қароридан халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган ушбу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Бу халқимизга хушнудлик, кўтаринки кайфият бағиш-ламоқда. Буни юрtdошларимизнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ: ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ СТРАТЕГИЯ

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури халқимиз томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Илм — ривожланиш асоси. Яъни қайси соҳада илмга кўп эътибор қаратилса, тараққиёт тезлашади. Амалий натижалар самараси узок куттирмайди. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида буни алоҳида таъкидлаб, мамлакатимиз илм-фанини янада рақамли таътириш, ёшларни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатдош иқтисодий шакллантириш борасида бошланган ишларни янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йилни «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили» деб эълон қилганидан ҳам англаш қийин эмас.



БИЗ ва ЖАҲОН


ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КЎРСАТГАН ИНСОНПАРВАРЛИК ПОЗИЦИЯСИ ТАҲСИНГА САЗОВОР

Термизда “Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш бўйича Марказий Осиё мулоқоти: Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференциянинг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари вазирлик, идора ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, қатор хорижий экспертлар, шунингдек, вилоятдаги давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Анжуманда Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази раҳбари Р. Комилов, Сурхондарё вилояти маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари М. Қобулова ҳамда бошқалар Сурия ва Ироқдан қайтариб олиб келинганларни реабилитация ва реинтеграция қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини таъкидлади. Жанубдаги воҳада уруш ўчоғидан олиб келинганларнинг психологик, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни тураржой билан таъминлаш, ишга жойлаштириш, фарзандларига таълим бериш юзасидан муайян тажрибалар тўплангани қайд этилди.



Дунё глобаллашувида аҳамияти янада юксалган ТАЪЛИМОТ



Самарқанд шаҳридаги Форумлар саройида “Имом Абу Мансур Мотуридидий ва мотуридидия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусида ташкил этилган халқаро конференциянинг иккинчи кунинда иштирокчилар томонидан билдирилган таклиф ҳамда мулоҳазалар муҳокама этилиб, улар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар қабул қилинди. Аллома таълимотидаги инсонпарварлик, бағрикенглик ҳамда адашган тоифаларга қарши раддия бериш борасидаги қимматли маълумотлардан самарали фойдаланиш, ушбу йўналишда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида урғу берилди.

Конференциянинг ёпилиш маросимидан сўнг иштирокчилар Имом Мотуридидий мақбарасини, Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилишди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Ҳадис илми мактаби фаолияти билан танишиб, бу ерда яратилган шaroит ва имкониятларга юксак баҳо беришди. Қадим Самарқанднинг диққатга сазовор жойлари уларда катта таассурот уйғотди.



ТАКЛИФ — ХАЛҚДАН, ЕЧИМ — ДЕПУТАТДАН

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларга чиқиб, ўз сайловчилари билан ўтказган мулоқотларида мавжуд муаммолар билан бирга, аҳоли таклифларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди. Зеро, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг амалий натижадорлигини таъминлаш ва янги ташаббусларни илгари суринишда жамоатчилик фикр-мулоҳазалари муҳим ўрин тутаяди.

Парламент кўйи палатаси депутати Нодир Жумаевнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Чакар” ва “Қоратош” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги учрашувлари шулардан бири бўлди.

Фуқаролар ҳудудда мавжуд бўлган гаражларнинг бузилиши натижасида автомобилларни қўйиш жойлари муаммоси пайдо бўлаётганини, шу боис автотураргоҳлар ташкил қилиш зарурлигини таъкидлашди. Янги автотураргоҳлар барпо этиш, уларнинг фикрича, фуқароларнинг хотиржамлигини таъминлашга, содир этилиши мумкин бўлган ўғриликларнинг олдини олишга хизмат қилади.



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҚАТТИҚЎЛЛИК КЕРАК

Самарқанд вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашди.

Қўшма мажлисни вилоят ҳокими Э. Турдимов очиб, ҳар бир раҳбар ўз соҳаси ва жамоасидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чорасини кўриши, олий таълим муассасаси, соғлиқни сақлаш, бошқа ташкилот раҳбарлари халқ билан мулоқот қилишни янада кучайтириши лозимлигини таъкидлади.



Парламент ҳаёти ЯНГИЧА ФОРМАТ, ТАҲҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялғи мажлиси бўлиб ўтди. Ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган мазкур долзарб сиёсий форумда ижтимоий-иқтисодий, суд-ҳуқуқ соҳаларида ислохотларни изчил давом эттириш, маҳалла ва оила институтини мустаҳкамлаш, болалар ҳуқуқи ҳимояси билан боғлиқ қонун ҳужжатлари муҳокама қилинди, қатор вазирликларнинг ахборотлари эшитилди, ҳукуматга парламент сўрови юборилди ва юқори палата ваколатига тааллуқли бошқа масалалар кўриб чиқилди. Хусусан, кун тартибидан 18 та масала жой олган бўлса, 8 та қонун маъқулланиб, битта Фармон кўриб чиқилди, “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги қонун рад этилди.

Бу сафар ҳам ҳаммаси ўша эски қолиғда ўтгандир-да, десангиз, янглишасиз. Гапимизни исботлаш учун айрим фактларни келтириб ўтамиз.



Иқтисодий ривожини, аҳоли бандлиги ва даромадлари ўсишини таъминлайдиган энг муҳим соҳалардан бири бўлган қишлоқ хўжалигини стратегик ёндашувлар асосида тараққий эттириш зарур.

Тармоқдаги ҳозирги ўсиш суръатлари бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу борада бозор механизмларини кенг жорий этиб, фермер ва деҳқонлар манфаатдорлигини оширмас эканмиз, биз кутган сезиларли ўзгариш бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.

ИЛМ, ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

ИПАКЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАР ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

Одатда, ўтмиш билан мақтанишни хуш кўраемиз. Бирор мавзу ҳақида сўз бошлар эканмиз, Абдулла Қодирийнинг машҳур иборасини қўлаймиз: мазийга қайтиб иш кўриш хайрлидир. Гарчи тарихни билиш қанчалик яхши бўлмасин, ундан хулоса чиқармаслик шунчалик ёмондир. Бу сўзларнинг ипакчиликка қанчалик алоқаси бор, дерсиз. Бор, албатта. Халқимизга пиллачилик ёхуд ипакчилик соҳаси асрлар давомида ёндаш келган. Асосий меҳнат турларидан, турмушининг, таъбир жоиз бўлса, “қора қозонининг ёғи” бўлган. Буни “етти хазина”нинг бири сифатида ипак куртининг тан олингани ҳам кўрсатиб турибди. Ўзбек ипакчининг бир вақтлар дунёда қанчалик машҳурлигини эса барчамиз яхши билемиз.

Аммо... Аччиқ бўлса-да, айтиш керак. Биз бугунгача ҳам ўша қўл меҳнатига асосланган, эски дастоҳларда тўқилган атлас-у адрасларимиз билан мақтаниб юрдик. Шу би-

лан бирга, пилла боқиш услубимиз ҳам ибтидоийлигича қолди. Ҳолбуки, ҳозир XXI аср инновациялар, технологиялар даври. Яна бир гап. Пиллачилик айни замонага

ҳам қишлоқ одамлари турмушининг бир қисмига айланганди. Пилла курти боқмаган, унинг захматини чекамаган фермер ҳам эди. Аммо захмати бор-у, роҳати йўқ меҳнат...



2017 йил 29 мартда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соҳа ислоҳотиغا киришилди: корхоналарни, хом ашё етиштирувчилару мутахассисларни, қайта ишлаб чиқарувчилару инвесторларни, агроном олимларни бирлаштирган “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси ташкил этилди.



ЯНГИЧА ФОРМАТ, ТАНҚИДИЙ-ТАҲЛИЛИЙ ЁНДАШУВ

Давлат тилини мукамал билиш муҳим

Аввало, бу галги мажлис ҳар қачонгидан кўра танқидий-таҳлилий руҳда ўтди. Том маънода, фикрлар жанги юзага келди, сенаторлар томонидан долзарб саволлар ўртага ташланди, ҳатто кескин муносабатлар билдирилди. Масалан, Сенат аъзоси Азамат Зиё парламент аъзолари халқ тақдирига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш, қонунларни кўриб чиқиб, маъқуллашдан олдин ўзбек тилини мукамал билиш шарт эканлиги, аммо амалда ҳар домд ҳам бундай эмаслигини очиқ-ойдин таъкидлади.

Ёшлар юрт тақдирига бефарқ эмас

Яна бир эътиборли томони, Сенат ялли мажлислари тарихида илк бор ёшлар бевосита муҳокамаларда иштирок этди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси, Сенат аъзоси Алишер Саъдуллаев бир пайтлари бу ўзи учун орзу бўлгани, бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг энг фаол ўғил-қизлари учун ҳақиқатга айланганини фахр билан тилга олди.

Гал шундаки, бу сафар пойтахтимизнинг турли таълим муассасаларида тахсил олаётган, мамлакатимизда қанаётган сиёсий жараёнлар, жумладан, қонунларнинг қандай қабул қилинишига бефарқ бўлмаган ёшлар Сенат биносига тақлиф этилди.

Ялли мажлисда кечган жараёнларни кўзатар экан, ёшлар юртимизнинг иқтисодий, ижтимоий тараққиётига оид қонунлар қандай кўтаринкилик ва масъулият билан муҳокама қилинишига ғувоҳ бўлдилар. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашганимизда, бу каби жараёнлар улар учун жуда қизиқ эканини эътироф этишди.

Шунингдек, ялли мажлис давомида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева бундан кейин Сенат йиғилишларида ёшларнинг иштироки янада кучайтирилиши ва юқори палатада "Ёшлар парламенти"нинг ташкил этилиши хусусида айтиб ўтди. Демак, сенаторларнинг фаолияти ёшлар учун янада очик бўлади.

"Бу борадаги ишларни бошлаб юбордик. Чунки яқин кунларда "Ёшлар парламенти"ни ташкил қилмоқчимиз. Шунинг учун бизнинг барча кўмиталар мажлисларида тегишли олий ўқув юртлири талабалари, фаол ёшлар қатнашапти. Бугун Сенат ялли мажлисида бир гуруҳ ёшлар, Ёшлар иттифоқининг фаоллари қатнаша-

ти", деганда Танзила Нарбаева айнан шуни назарда тутди. Экспертлар ўзи фикрларини билдиришлари учун эса конструктив муҳит яратиб берилди.

"Сен менга тегма, мен сенга тегмайман" дейдиганларнинг даври ўтди

Сўнгги пайтларда Сенат Раиси ҳам нафақат халқ вакили сифатида ўзининг фуқаролик позициясини кенг намоён этипти, балки маҳаллий ва халқаро ахборот майдонда ўзбекистонлик фаол аёл сиёсатчи сифатида ньюсмейкерга айланмоқда. Бу, бир томондан, мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга қаратилаётган эътибор самараси бўлса, бошқа томондан парламентнинг айрим мудроқ "кўзлари"ни очяпти. Иккинчи ялли мажлисда Танзила Нарбаева баъзи касбдошларнинг камчилигини рўйроост айтгани, жамиятдаги айрим оғрикли холатлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтгани бунга бир мисолдир.

Масалан, Сенат Раиси ҳамма сенаторлар ҳам ўзларига юклатилган вазифаларда жуда фаоллик кўрсатмаётганини очиқчасига таъкидлаб, "Айрим сенаторларимиз "Сен менга тегма, мен сенга тегмайман", қабилида иш тутди", дея уларнинг фаолиятига аниқ баҳо берди. Бошқача айтганда, ялли мажлисда нофаол сенаторлар дақиқи эшитишди. Танзила Нарбаева жараёнларга пассив ёндашаётган, "дунёни сув босса тўпғигиға чикмайдиған" сенаторларни оғохлантираркан, 3-4 ойдан кейин ҳар бир ялли мажлисда кўмиталарнинг ҳисоботини бериб бориш амалиёти йўлга қўйилиши, бунда нафақат кўмита раиси ва унинг ўринбосари, балки ҳар бир аъзоси ўзи қилган иши бўйича ҳисобот беришини эслатди.

Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолдирилмади

Ўз навбатида, ота-оналар қаровисиз қолган, Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидаги долзарб масалалар тўғрисида ҳужжатга юборилган парламент сўрови натижаси кўриб чиқилаётганда ушбу масалага бевосита масъул вазирлик вакили мажлисга келмагани маълум бўлиб қолди. Натижада сенатор Минҳожиддин Ҳожиматов Меҳрибонлик уйлари ва болалар шаҳарчалари битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича аниқ манзилли дастурлар

бор-йўқлиги, бор бўлса уларнинг ижроси қай даражада таъминланаётгани, етимларнинг иш жойидаги кўнимсизлигининг олдини олиш бўйича қилнаётган ишлар ҳақидаги саволи жавобсиз қолиб кетаётган эди. Лекин...

Тан олиш керак, илгари бундай жавобсиз саволлар кўп бўлар, юзага келган вазиятлар эса имижимида силлиқланиб кетиларди. Яъни бу борада ҳукумат ва парламент "бир ёқадан бош чиқариб", ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолдириларди. Бу гал ундай бўлмади.

"Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан ким келди? Йўқми ҳеч ким? Йўқ экан! — деди Сенат Раиси. — Саволга мен жавоб беришим мумкин. Ҳукуматда бундай дастур йўқ. Бу масала билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келаётганим учун бунга жуда яхши биланман. Уларда умумий дастур бор. Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини фамилия бўйича қаерга жойлаш мумкин, қандай касбга ўқитиш керак, деган масала Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг кун тартибиди йўқ.

Шунинг учун бу масалани Сенат қарориди топириқ сифатида кўрсатиб ўтдим.

Вазирликдагилар ялли мажлисга нима учун келишмаганига албатта аниқлик киритиш керак... Вазирликларнинг масъулияти нега бу аҳволда? Ялли мажлисда қўрилаётган масала — уларнинг масаласи-ку".

Ўз навбатида, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва ногиронлиқни аниқлаш ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юборишга оид масала кўриб чиқилди. Унда Танзила Нарбаева амалдаги тартиб бўйича ногиронлар тиббий кўриқдан ўтиб, овора бўлаётгани аниқ ҳақиқат эканлигини айтди экан, бу аслида шарт эмаслигини билдириб, "оёғи ёки қўли йўқ ногироннинг шу аъзоси қайта ўсиб чиқмайди-ку!" деб соҳадати вазиятни кескин танқид қилди.

Шу пайтгача ёпиқ мавзу бўлиб келган Ўзбекистондаги камбағаллик муаммоси ҳам бу сафар юқори палата вакиллари томонидан атрофлича таҳлил этилди. Яқунда эса Сенатда камбағалликни қамайтириш масаласи бўйича ижро органлари раҳбарларининг ҳисоботи давомий тинглаб боришга келишиб олинди. Миграция, хотин-қизларга нисбатан эъроонлик, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш билан боғлиқ бугунги куннинг долзарб масалалари ҳам танқидий кўриб чиқилди.



Халқ вакиллари Президент Фармонини кўриб чиқди

Сенатда Президент Фармони кўриб чиқилди. Бу ҳам юртимизда парламентаризм институтини фаоллаштиришда яна бир янги давр бошланганидан далолат беради. Олдинлари давлат раҳбари имзоланган ҳужжат юқори палата муҳокамасидан ўтказилмас эди.

Вахолонки, Конституциянинг 78-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 8-моддасига мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва туғатиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларини тасдиқлаш парламент юқори палатасининг ваколатлариға қиради. Бинобарин, юқори палата аъзолари Президентнинг "Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони-ни тасдиқлаш масаласини кўриб чиқдилар.

Унда Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигини, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида вазирликнинг бўлиmlларини ташкил этиш назарда тутилгани сабабли Фармон парламент аъзолари томонидан кўриб чиқилди.

Бу ҳужжат ижтимоий соҳадати ислохотларни янада чуқурлаштиришга қаратилганиги ҳамда маҳалла ва оила институтини мустақамлашга кўмаклашиши билан аҳамиятлидир.

Қонун нега рад этилди?

Иккинчи ялли мажлисда "Халқаро тижорат арбитражи тўғриси-

да"ги қонун рад этилганидан хабарингиз бор. Бунинг сабаби нимада? Қайд этилганидек, қонунда қатор концептуал камчиликлар мавжуд. Масалан, қонуннинг 3-моддасида унинг қўлланилиш соҳаси белгиланган бўлса-да, халқаро тижорат арбитражи тушунчаси ва тамойиллари очиб берилмаган.

Шунингдек, 6-моддада қонуннинг қўлланилиш соҳасини батафсил изоҳлаш ўрнига ҳақ қилиш учун халқаро тижорат арбитражиға топширилиши мумкин бўлган низолар санаб ўтилган. Бу ва бошқа камчиликлар туфайли қонунни жиғдий тақомилга етказиш зарурлиги таъкидланди. Зеро, иқтисодийнинг глобаллашуви, ҳўжалиқларро, давлатларро алоқалар ривожланиётган ҳамда минтақавий ва халқаро даражаларда қонунчилик бирхиллаштирилаётган бир шароитда ҳам миллий, ҳам халқаро даражада бозор муносабатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланган халқаро арбитраж тижорат низолари хал эйтишини муқобил, суддан ташқари шакли сифатида тобора катта роль ўйнайди. Шундай экан, бундай жиғдий соҳага оид қонун ҳам мукамал бўлиши керак.

Умуман олганда, Сенатнинг эски 2020 йилдаги ялли мажлиси эски стереотиплар тобора парчалашиб бораётганини кўрсатди. Бугунги демократик ислохотлар ана шундай янгича муҳит, янгича формат ва янгича руҳ бардавом бўлишига умид беради.

Буларнинг барчаси Олий Мажлис Сенатининг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали тўғридан-тўғри онлайн режимда нафақат юртимиз бўйлаб, балки бутун дунёга трансляция қилинди. Барча жараён ҳар қандай монтажларсиз, "қайчи-ларис"из, интернет орқали узатилди. Бу ҳам Ўзбекистон дунёга тобора очилиб бораётганининг ёрқин тасдиғидир. Қолган ҳулосалар эса ўзингиздан.

«Халқ сўзи».

ТАКЛИФ — ХАЛҚДАН, ЕЧИМ — ДЕПУТАТДАН

Бу масала юзасидан депутат тегишли норматив ҳужжатлардан келиб чиқиб, тушунчалар берди. Учрашувлар сўнгига

кўтарилган муаммолар ва масалалар юзасидан парламент аъзоси мутасадди идораларга тақлифлар киритишини билдирди.

Чуст тумани тиббиёт бирлашмасида болалар бўлими йўқ. Терапия бўлими б.и.носиди 60 ўринга мўлжалланган болалар бўлими ташкил этилган. Ҳозирги вақтда унда юздан ортиқ беморлар даволанмоқда. Яъни 3-4 нафар беморға мўлжалланган палаталарда 6 — 8 нафардан бемор бола жойлаштирилган.

Депутат Нуриддин Султонов бу ҳолатга алоҳида эътибор қаратди. Унинг сабаби ўрганилганда, тиббиёт бирлашмаси томонидан беш йил ав-

вал янги бино қурилиши бошланган, ҳозирги кунга келиб, мутасаддилар томонидан эътиборсиз қолдирилгани маълум бўлди.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-сонли кўп тармоқли марказий поликлиникада ҳам ҳолат қониқарсиз аҳволдалиги ойдинлашди.

Депутат учрашувлар давомида ечимни вақт талаб этиладиган маъмур масалалар юзасидан тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборадиган, масала ечимини депутатлик назоратига оладиган бўлди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Таваккал Чориев Ромитан туманидаги "Қоқшувтон", "Қумрабод" ва "Пойжўй" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аҳоли билан учрашиб, уларнинг дардиға кулоқ тутди.

Масалан, "Қоқшувтон" МФИда жами 4770 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 7 ёшга бўлганлар сони 801 нафар, 511 нафари эса боғча ёшдаги болалардир. Шундан атиги 75 нафар бола ҳудуддаги 3 та оилавий мактабга таълим муассасасига қамраб олинган бўлиб, 436 нафарини боғчаларға жалб этиш эҳтиёжи мавжуд.

Учрашув давомида фуқаролар ҳудудда мактабга таълим муассасаси қуриш масаласига ўзлари сайлаган депутат эътиборини қаратди. Халқ вакили ушбу муаммони атрофлича ўрганиб, унинг ечимини топиш учун барча имкониятини ишға солишға киришди.

"Қоқшувтон" МФИдаги Янгиобод, Ҳўжазафарон

қишлоқларидаги муаммолар ўрганилар экан, бу ерда яшовчи аҳолиға тегишли хизмат кўрсатиш масканининг йўқлиги турли қийинчиликларни юзага келтираётгани ойдинлашди. Боиси фуқаролар 4 километр узоқда жойлашган "Қоқшувтон" ҚВПға қатнашға мажбур бўлаётгани аниқланди.

Ушбу масалаға мутасаддилар эътибори қаратилиб, уни ечиш юзасидан тақлифлар билдирилди.

"Пойжўй" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси Газли катта йўл ёқасида замонавий бекат қуриш муаммосини кўтарди.

Депутат бу борада мутасадди ташкилот вакиллариға сўров билан мурожаат этишини маълум қилди.

Шунингдек, аҳоли тақлифи билан ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашға хизмат қиладиган "Отаналар мактаби" ташкил этиладиган бўлди.

«Халқ сўзи».

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ТУМАН ҲОКИМИНИ ЎЗ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛДИ

Сўнгги кунларда ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилиниб, жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлган Миришкор тумани ҳокими Бахтиёр Ражабовнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари халқ депутатлари Миришкор тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида кўриб чиқилди ва у туман ҳокими лавозимидан бўшатилди.

Гап шундаки, Б. Ражабовнинг 28 февраль кунги туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда солиқ тушуми қиллиги учун маҳалла раисларини қўпол тарзда ҳақорат қилгани кайд этилган аудиоёзув ижтимоий тармоқларда тарқалган эди.

Ушбу масала вилоят ҳокимлиги Одоб-ахлоқ комиссияси, халқ депутатлари Миришкор тумани Кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳининг йиғилишида муҳокама қилиниб, Бахтиёр Ражабов ўз вазифасига нолийк, деб топилди.

Б. Ражабов 2019 йил 26 октябрь кунги Миришкор тумани ҳокими лавозимига тайинланган эди. Унгача бир йил давомида Қосон тумани раҳбарлигидан Қарши шаҳри ҳокими ўринбосари, вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув ҳўжалиги масалалари бўйича ўринбосари вазифаларида ишлаган раҳбар вилоят ҳокимининг бошқа собиқ ўринбосарлари қаторида мамлакатимиз Президенти берган "сўнгги имкон"дан фойдаланиб, Миришкор тумани раҳбарлиғига келганди. Ушбу вазифада ҳам 4 ойдан ортиқроқ фаолият кўрсатди. Қизиги шундаки, туманда ундан олдин ишлаган ҳокимнинг лавозимдан олинишиға ҳам халқ билан муомала мадания-

тини билмаслиги ва қўполлиги сабаб бўлган эди. Президентимизнинг Олий Мажлисиға Мурожаатномасида маҳаллий Кенгашларни жонлантириш, Кенгаш сўрови институтини жорий этиш хусусида сўз юритилганди. Ҳар ойда маҳаллий Кенгашларда давлат органи раҳбарларининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, қонун, Фармон, қарорларда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ахборотларини эшитиб бориш ва фаолият қониқарсиз деб топилган раҳбарларға тегишли чоралар кўриш амалиётининг жорий этилгани дастлабки натижаларини кўрсатмоқда.

Маҳаллий Кенгашларға вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарларининг ўз лавозимига лойиқлиги юзасидан тақлиф киритиш ваколатининг берилиши ҳам уларнинг назорат функциясини кучайтирди. Сессияда қўриладиган масалалар ҳамда қабул қилинадиган қарорлар учун депутатларнинг масъулиятини оширди. Миришкор туманидаги ҳолат ҳам бунинг аққол исботи бўлди.

Сессияда Миришкор тумани ҳокими лавозимига шу пайтгача Қарши тумани ҳокими вазифасида ишлаган Ғайрат Беғалиев номзоди тасдиқланди.

«Халқ сўзи».

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҚАТТИҚҚЎЛЛИК КЕРАК

— Жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактлариға доир мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний мафзаатларини ҳимоя қилиш коррупцияга қарши курашининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. — дейди Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Ботир Матмуратов. — Зеро, бу иллатга қарши туриш фақатгина ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, бу барчанинг ишидир. Чунки олдимизда юртимизнинг халқаро нуфузи, мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш вазифаси турибди. Бунинг учун, албатта, порахўрликнинг олдини олиш ва батамом тугатиш лозим.

Қўшма мажлисда Самарқанд вилоятидаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупциянинг олдини олиш юзасидан олиб борилган ишлар бўйича ҳисоботлари ҳам тингланди.

— 2019 йил вилоятда 174 та мансаб суистеъмолчилиги ва порахўрлик жиноятлари содир этилган, — дейди вилоят прокурори Ф. Зуфаров. — Утган даврда мактабгача таълим, халқ таълими, ўрта махсус таълим муассасалари ходимларига нисбатан 60 та жиноят иши кўзга тилган ва қарийб 1 миллиард сўмлик зарар ундирилди, 86 нафар раҳбар ва ходимға нисбатан турли жазо чоралари қўлланилган. Таҳлилларға кўра, 2018-2019 йилларда банк, олий ҳамда ўрта махсус, халқ таълими, солиқ, соғлиқни сақлаш бошқармалари ва уларнинг қўйи тизимлари, адвокатура, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда судларнинг мансабдор шахслари томонидан ҳам жиноятлар содир этилган. Аммо масъул раҳбарлар жиноятлар, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бирор марта ҳам ўрганмаган ва бу борада бирор тақлиф киритмаган.

Шунингдек, қўшма мажлисда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қонунийликни таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси аъзолари сўзға чиқиб, вилоятда коррупциянинг олдини олиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва бу иллатга қарши лоқайд бўлмаслик кераклигини таъкидлади.

Абдулазиз Йўлдошев («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КўРСАТГАН ИНСОНПАРВАРЛИК ПОЗИЦИЯСИ ТАҲСИНГА САЗОВОР

Сайёр йиғилишида иштирокчилар "Барқарор ҳаёт" нодавлат но-тижорат ташкилотининг давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиғида олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишиди. "Барқарор ҳаёт"нинг психолог, ижтимоий, диний йўналишлардаги реабилитация ва реинтеграция ишлари акс этган слайдлар намойиш этилди.

— Бу масала фақат битта давлат ёки ёт гоилар ортидан эргашиб, йўлидан адашган шахсларнинг эмас, балки дунё халқларини ўйлантираётган, ташвишға солаётган жиғдий муаммо, —

дейди Қирғизистон Республикаси Бишкек шаҳар ижтимоий ри-вожланиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Л. Губина. — Ўзбекистон Президентининг бу борада кўрсатган инсонпарварлик позицияси ҳар қанча таҳсинга сазовор. Биз, қайтариб олиб келинган болалар ва аёлларни реинтеграция қилиш йўналишида хайрли ишлар амалға оширилганини кўрдик. Мамлакатда нафақат минтақадаги давлатлар, балки дунё ҳамжамияти ўрганса бўлидиган тажрибаға ғувоҳ арзидим. Бу сазй-ҳаракатлар биз учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Анжуман иштирокчилари "Барқарор ҳаёт" нодавлат но-тижорат ташкилотининг ти-вужчилик, миллий ҳунармандлик, қандолатчилик ва бошқа ўқув хоналарида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар билан танишиди. Ижтимоий ҳаётға мослашаётган аёллар ва болалар билан суҳбатлашди.

— Уруш майдонларидан олиб келинган аёллар ва болаларға кўрсатилаётган гамхўрлик эътиборимизни тортиди, — дейди Олмаота шаҳар вояға етмаганларға ижтимоий-ҳуқуқий, психолог ёрдам кўрсатиш марказининг дин бўйича мутахассиси

Л. Рисакова. — Сурхондарёға келиб ўзимизға тегишли кўп нарсани ўргандик. Менда ай-никиса, реабилитация жараёнларида реалий компонентларнинг ўрни бўйича олиб борилаётган ишлар жуда ёқди. Албатта, Қозғистонға борғач, бу тажрибани қўллашға қарор қилдим.

Сайёр йиғилишида хорижлик экспертлар ва маҳаллий ҳамкорлар иштирокида маъмур йўналишида воҳаддаги сазй-ҳаракатлар атрофлича таҳлил қилиниб, тегишли тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ, Ўза мухбири.

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚАНДАЙ ҚАМАЙТИРСА БўЛАДИ?

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришға қаратилган ишларни тизимли ташкил этишға устувор аҳамият қаратилмоқда.

Депутат Фикри

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 2 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодийни ривожлантириш йили"да амалға оширишға оид Давлат дастурида Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш (2020 йил 1 августга қадар) кўзда тутилгани ҳам айни йўналишдаги масалаларни ҳал этишға жиғдий кириштириладиган далолатдир.

Шу ўринда Камбағалликни қисқартириш дастури лойиҳасига киритилиши мумкин бўлган айрим фикр, гоё ва тақлифларни қайд этиб ўтсак.

Хусусан, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим устуворлиғи сифатида ишисизлик даражасини пасайтиришға эътиборни кучайтириш лозим. Бунда ишға жойлашиш имкониятини яратувчи, тегишли давлат органлари билан бир қаторда, фуқароларнинг масъулиятини оширувчи, ҳар бир инсоннинг шахсий шароитини ҳисобға олувчи, ўзига мустақил ёрдам бера олмайдиганларни қўллаб-қувватловчи фаол

ва таъсирчан сиёсат юритиш, ушбу мақсадларға жамият ва хусусий сектор ресурсларини жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, фуқароларнинг оилавий бюджети даромадларини оширишнинг энг самарали шаклларида бири сифатида касаначилик меҳнатини ривожлантириш мақсадағи мувофиқ, бунда замонавий машиналар, ускуналар, хом ашё ва материалларни харид қилиш учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятини, уларға маркетингнинг амалға ошириш ва касаначилик махсуслотини ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида бюртмачиларни топишға кўмаклашиш, бозорда талаб юқори бўлган махсуслотларни ишлаб чиқаришда бошқа тадбиркорлик субъектлари билан кооперациясини кенгайтиришға кўмаклашиш лозим.

Ишға жойлашишға муҳтож шахсларға касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва ма-лака ошириш тизимини кенгайтириш, бозор эҳтиёжларини ҳисобға олган ҳолда, мақбул шарт-шароитларни яратишға йўналтирилган чоралар қўриш ҳам фойдали бўлади.

Аҳолининг реал пул даромадлари ва ха

БИЗ ва ЖАҲОН



ДУНЁ ГЛОБАЛЛАШУВИДА АҲАМИЯТИ ЯНАДА ЮКСАЛГАН ТАЪЛИМОТ

Катта шуқуҳ билан ўтган халқ-аро анжуман иштирокчилари бағри кенг, меҳмондўст ўзбек халқи-га, оламшумул ислохотлар билан дунё ҳамжамиятининг эътиборини қозониб,

халқ манфаатлари йўлида улкан ислохотларни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга алоҳида миннатдорлик билдирдилар.



— Имом Абу Мансур Мотуридий асос солган мотуридия таълимоти

Абдуллоҳ Абдулгани САРХАН, Эътиборли уламолар кенгаши бош котиб:

башариатни меҳр-оқибат, бағрикенгликка ундаб, бузғунча гоёларга қарши туради. Шунинг учун бу таълимот пайдо бўлган пайтдан бошлаб исломни тўғри тарғиб ва талқин этишга хизмат қилиб келмоқда. Мотуридий таълимотидаги нақл одамларни илм-маърифатга қорласа, ақли уларни тўғри йўлда иш-лашга ундайди. Ўзбекистон-

да буюк мутақаллим таълимотида алоҳида эътибор қаратилади — бу катта ютуқ. Хусусан, Ал-Азхар мажмуасида ҳам магистрлик, докторлик диссертацияларни амалга оширилади. Мотуридий ёзган асарлари, китоблари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва унинг гоёларини дунё бўйлаб тарқатишига ҳисса қўшиб келмоқда.



Рафик МУҲАММЕТШИН, Қозон шаҳридаги Россия ислом университети ректори:

Аҳмад Саъд ДАМАНХУРИЙ, Туркия ислом илмлари академияси раҳбари:

— 2007 йилдан буён Мотуридийнинг тафсири китоблари бўйича илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб бориш асосида бу улғу алома ҳақида анча маълумот тўплади. Изланишларим натижасида ёзган асаримда Мотуридий шахсига доир

айрим ташуновчиликларни бартараф қилиш, буюк имомнинг улкан хизматлари эътироф этилиши лозимлигини ургуллади. Мазкур анжуманда шу ва бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олиш имконияти туғилганидан хурсандман.



— Алломанинг бир неча асрлар олдин айтган фикрлари, муқаддас динимиз софлигини асраш бўйича илгари сурган қарашлари ҳозир ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бизнинг

университетимизда ҳам бу улуғ имом асарларини таржима қилиш ва ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳамда бошқа диний таълим муассасалари, илмий марказлар билан яқин ҳамкорликда ишлаймиш.

Умуман, азалдан Татаристондаги дин соҳаси вақиллари, уламолар ўзимиздаги мадрасаларда ўқиган бўлса-да, кейинчалик Самарқанд ва Бухоро

шаҳарларига келиб, ислом дини таълимотини ўрганиб, билимларини оширишган. Бу анъана бугун ҳам давом этмоқда. Глобаллашув жараёнлари кучайган ҳозирги шароитда ислом динини мотуридия таълимотисиз тасаввур қилиб бўлмаслигининг ўзиёқ мазкур анжуманининг аҳамияти нечоғли юксак эканлигини намоён этади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ «Халқ сўзи» ёзиб олди.

КОРОНАВИРУСГА ЧАЛИНМАСЛИК УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЗАРУР?

Даставвал Хитой Халқ Республикасининг Хубэй провинциясининг Ухань шаҳрида аниқланган юқумли касаллик — коронавирус (COVID-19)нинг дунё бўйлаб кенг тарқалаётгани ва инсонлар ўлимига сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кейин кунларда Хитой, Жанубий Корея, Эрон ва Италия каби қатор давлатларда коронавирус инфекцияси ёйилаётгани кузатиш мумкин. Сўнгги маълумотларга кўра, жаҳонда ушбу инфекцияни юқтирганлар сони 92,8 минг нафарга етди, 3202 та ўлим ҳолати қайд этилди. Ҳозиргача Хитойдан ташқари 72 мамлакатда коронавирус аниқланди.

Долзарб мавзу

KORONAVIRUS CASALILIK BELGILARI VA PROFILAKTIKASI. Includes icons for coughing, sneezing, hand washing, and social distancing.

Шуқри, Ўзбекистонда ушбу вирус билан касалланганлар аниқланмаган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда коронавирус инфекцияси юртимизга кириб келишининг олдини олиш борасида тизимли ишларни амалга оширмоқда. Шунга қарамай, бу офатдан сақланиш учун ҳар биримиз оғоҳ ва ҳушёр бўлишимиз керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти коронавирусида чалинишнинг олдини олиш бўйича қуйидаги тавсияларни бермоқда: — қўлларингизни совун ва сув ёки спиртли аралашма билан ювинг; — йўталганда ёки акса урганда озингиз ва бурнингизни тиббий ниқоб, сальфетка, енгингиз ёки букилган тирсагингиз билан тўсинг; — шамоллаш ёки грипп аломатлари бўлганлар билан ҳимояланмаган алоқда бўлишдан узоқлашинг ҳамда сизда иситма, йўтал ва нафас қисилиш ҳолатлари пайдо бўлганда, тиббий ёрдам олиш учун муурожаат қилинг; — тирик маҳсулотлар сотиладиган бозор-

да бўлганингизда жониворлар ҳамда улар тегиши мумкин бўлган воситаларга ҳимояланмаган ҳолда тегинишдан эҳтиёт бўлинг; — таомни, айниқса, гўштни астойдил пиширинг.

Энг муҳими, ҳар биримиз ўз соғлигимизга эътиборли бўлайлик. Зеро, саломатлик — бебаҳо бойликдир.

«Халқ сўзи».

«НАВРЎЗИНГ — ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ МУБОРАК, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!»

Зухра ИБРАГИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Наврўз — халқимизнинг бебаҳо қадрияти, табиатнинг уйғониш фасли, асл миллий байрами-дир. Ушбу айём арафасида коинот ва табиат қонунлари уйғунлашади, кеча ва кундуз вақт жиҳатидан баробар бўлади, энг муҳими, одамлар юз-қўлида қишлоқ, шодлик порлайди. Кўтаринки қайфият эса кичиларда шижоатни жўш урдиради. Бу йил Наврўз юртимизга ўзгача шуқуҳ билан кириб келмоқда. Буни биз, депутатлар ҳудудларда бўлганимизда яққол кўриб, гувоҳи бўлмоқдамиз. Хусусан, парламент қўйи палатасининг бир гуруҳ депутатлари яқинда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб, Орол денгизининг қуриган ҳудудларида хашар орқали йирилган 4 тоннага яқин саксовул уруғларини эдик. Албатта, бу ушбу ҳудудда экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Чунки Орол денгизи фожiasi натижасида сув ресурслари танқислиги, чўллангиш кузатилаётгани бугун экология ва атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонда жиҳдий ташвиш уйғотади. Шу боис янгилиниш ва эзгулик айёми арафасида ушбу ҳудудда яшил ўрмонлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор.

Хувайдо момо УМАРОВА (Бувайда тумани, 125 ёш):

— Кўриш бахтидан айрилган бўлсам ҳам, кулоқларим хали панд бергани йўқ. Эшитдим, Наврўз ҳақида қарор чиқибди. Жуда ажойиб иш бўлибди. Мен урушларга, очарчилик, қийинчиликлар, мамлакат тарихидаги талатўпларга гувоҳ бўлганман. Халқимиз бошига қанча синовлар тушмасин, муқаддас динимиз ва миллийлигимизни, миллий байрамларимизни унутмади. Балки уни асраб-авайлади, кўчада бўлмаса ҳам оилавий қадрият сифатида сақлаб қола олди. Ҳар баҳор келганида шуқр қиламан. Бу фаслда ўзим ҳам бир неча ёшга ёшаргандек бўламан. Умуман, сайиллари ўтказиларкан, қуй-қўшиқлар янграган. Байрам шуниси билан қизиқ-да. Халқ ўйинлари, томошалар, мусобақалар ўтказиш, баҳорий таомлар тайёрланиши ҳам гўзал қадрият.

Қани энди, кўзларим ёруғ жаҳонни кўрганида эди, мана шу сайилларда, баҳорий таомлар тайёрланишида, миллий ўйинларда этагимни тугиб олиб, қатнашардим. Кўнгилда шижоат туравераркан-у, жисмонан чеклиб қоларкан одам. Лекин барибир мана шундай кунларга етганим учун шуқрлар келтираман. Байрамлар бардавом бўлаверсин.

Моҳира КАРРИЕВА, Қўшқўпир туманидаги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси:

— Аёзли шамоллар ўрнида илиқ шабадалар эса бошлади. Дов-дараклар барг ёзиб, замин яшил либосга бурканмоқда. Атрофда янгилиниш, яшариш, уйғониш фақли ҳукмрон.

Инсон — табиатнинг бир бўлаги. Биз баҳорни, Наврўзни бутун вужудимиз интик-интизор, тўқсон икки томимизда қонлар гупириб, тўлиб-тошиб, икки кўзимиз тўрт бўлиб кутамиз. Шу боисдан Президентимизнинг Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорини катта мамнуният билан қўйиб олдим. Зеро, ушбу ҳужжатда миллий байрамимизни том маънода умумхалқ сайли ва шодлиғи сифатида ўтказиш белгиланган. Демак, далау кенгликлар, боғу хибоблар тез орада байрам шуқуҳига, юртдошларимизнинг ўйин-қулғилари, балоқонлар шодлиғи қийқириқларида тўлади. Бинобарин, Наврўз қишни енгган баҳор тантанаси, эзгулик шодлиғисидир.

Азизақон ИБОДИЕВА, Фаҳрий педагог (Тошкент шаҳри):

— Ёшим 83 да. Шунга қарамай, Худога шуқр, тетикман. Ҳаракатдан чарчамайман. Баъзан ёшлар бундай бардамлигини сабабини сурашади. Уларга халқимизнинг эътиборидан, давлатимиз гамхўрлиги ва эъзозидан, юртимиздаги ўзгаришлардан, янгилинишлардан куч оламан, дейман.

Яна шу нарса аниқ: ҳар баҳор келганида бутун руҳимизда, қалбимизда бир янгилиниш, яшариш,



кўтаринчилик жўш уради. Чунки бу фаслда шундай бир кутлуг айём борки, у ҳаётга рағбатимизни янада кучайтиради. Бу — шубҳасиз, Наврўз! Бу байрамнинг мазмуни кенг, фалсафаси теран. Масалан, халқимизга хос меҳр-оқибат, мурувват, аҳиллик, ҳамжихатлик фазилатлари унинг замирида мўжасман. Наврўз боис нурунийларни ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш янгича моҳият билан бойийди.

Бу йил ҳам Йилбошини ҳар йилгидек кўтаринчилик билан қўйиб оламиз. Юртимизда тинчлик, хотиржамлик, файзу барак. Наврўз ҳар бир кунни қадрлашга, Яратган томонидан берилган неъматларни асраб-авайлашга, шуқроналик тўғуси билан яшашга даъват этади.

Робихон ИМЯМИНОВА, Олтинқул тумани «Эркин» МФЙ фаоли:

— Болалигимда Наврўз байрами кунни кураш бўлар эди. Улоққа йиғилувчилар кўпчилигидан ёш болаларни яқин йўлатишмасди. Эркалар байрамга кетган пайтлари биз оналаримиз билан уйда кўксомса, кўкчўваралар тайёрлаб, байрам дастурхони тузашга унаиб кетардик. Шу кунни соҳимизга толбаргақлар тақардик. Адрес қўйлақ қийиб, рақсларга тушардик. Кейинчалик байрамни нишонлашни тақиқлаб қўйишди. Шунда ҳам ҳеч кимга билдирмай, уйимизда ўзаро нишонлай бошладик. Мустақиллик Наврўзимизни ҳам қайтариб берди. Оиламиздан бошланган тантаналар республикамиздан охиб, дунёга ёйилмоқда. Ахир бу асл миллий айём, халқ сайли, юрт байрами-да! Президентимизнинг Наврўз байрамини юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинганлигини эшитиб, хурсанд бўлдик. Шундай шарт-шароитлар яратиб берилаётганига қанча шуқрона айтсак, шунча кам! Илоҳим, ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

«Халқ сўзи».

ЗАМОН ТАЛАБ ЭТАЁТГАН ТИЗИМ

Кейинги йилларда юртимизда иқтисодий ислохотларни либераллаштириш, бизнес вақилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инвесторларга қулай муҳит яратиш бўйича зарур чора-тадбирлар қўрилаётганини эътироф этиш жоиз. Бинобарин, иқтисодиётга инвестицияни фаол жалб қилмасдан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин эмас.

Акс садо

Хорижий инвесторларни юртимиз имконияти ва салохияти тўғрисида тўлиқ ҳама сифатли маълумотлар билан хабардор қилиш, корпоратив бошқарувнинг халқаро талабларга мос тартиб-қоидаларини, яъни шаффофлик, ҳисобдорлик ва жавобгарлик тамойилларини амалиётга жорий этишда бухгалтерия ҳисоби ҳамда ҳисобот маълумотларининг ўрни беқисс. Шу боис 2021 йилдан Ўзбекистонда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС)га ўтилади. Бу давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари-га ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан белгиланган бўлибди. Яъни 2021 йил 1 январдан бошлаб акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, сугурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар жумласига қиритилган юридик шахслар бухгалтерия ҳисобининг юртимиздаги ташкил этиш ва 2021 йил якунидан бошлаб молиявий ҳисоботни МХХС асосида тайёрлаши назарда тутилган.

2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сифатикатлаш доирасида "МХХС бўйича молиявий ҳисобот" фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёҳуд "Сертификатланган халқаро профес-

ларнинг илгор тажрибаси асосида ўқув жараёни сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МХХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашади. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари МХХС билан мувофиқлигини уйғунлаштиради.

Бундан ташқари, келгуси йилнинг 1 январидан эътиборан молиявий ҳисоботни иктиёрий равишда МХХСга мувофиқ тайёрловчи тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишдан овоз қилинадиган бўлди.

Қайд этиш жоизки, Президентимиз қайси вилоятга бормасин ёки қайси соҳа вақиллари билан учрашмасин, барчасида кадрлар масаласига алоҳида эътибор беради. Ушбу масала мазкур қарорда ҳам акс этгани диққатга сазовор. Жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фарғона политехника институтининг "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича педагог ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича тезлаштирилган ўқитиш жадавали тасдиқланган. Шу йил охирига қадар бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашнинг халқаро амалиётини ўрганиш натижалари бўйича "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" бакалаврият таълим йўналишининг кундузги ўқув шакли муди-

ратини қисқартириш имконияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қиритилиши белгиланди. 1 августгача эса бакалаврият таълим йўналиши ва магистратура мутахассислиги бўйича "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанларида МХХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиликларни назарда тутиш бўйича таълим марказларида ўқитиш тасдиқланди ва ўқув жараёнига жорий этилди. 2021 йилдан бошлаб, МХХС ва аудитнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги бухгалтер ташкилотнинг аккредитациядан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади. Қолаверса, кейинги ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари фақат халқаро сертификатлаш доирасида тегишли ҳужжат ҳамда сертификатга эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилиши каби вазифалар соҳани етук мутахассислар билан таъминлашда айна муқаддас.

Булар, табиийки, бизнинг институтизмизимизга ҳам катта масъулият юкляди. Зеро, бу — давр талаб этаётган тизим. Чунки иқтисодиётни либераллаштириш шароитида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари кенг тартиб қилиниши бизнес юртимизни янада ривожлантириш, хорижий саноядорларга янада қулайлик яратиш, пировардида мамлакатимиз кудратини оширишга хизмат қилади.

А. КАРИМОВ, Тошкент молия институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, М. ҲОЖИЕВ, институти катта ўқитувчиси.

Вазирликлар, идоралар, кўмиталар, ўқув ва илмий муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, хорижий, қўшма ва кичик корхоналар, фирмалар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига! Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ. 2020 йил 14 март кунини соат 9.00 да 2019/2020 ўқув йили битирувчилари учун «КАРЬЕРА КУНИ»ни ўтказадилар.

15 йил 15-юбилей халқаро ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ Кўрғазмасига ташриф буёриг. Кириш фақат соҳа мутахассислари учун! agroworld.uz 71 205 18 18 ONLINE РЎЙХАТДАН УТИНГ

XalqBanki

Бугун рақамли иқтисодиёт ҳақида кўп гапирилмоқда. Унинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишидаги аҳамияти хусусида қатор таҳлиллар келтириляпти...

Молия муассасаларида

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банкларида аксарият амалиётлар рақамли тарзда олиб борилади...



жетга тушадиган тушумларнинг кўпайишида ҳам асқатади. Бундан ташқари, филиалларда мижозларни кутиб олиб...

Ўтказиб юборилган кўнғироқ — ўтказиб юборилган ИМКОНИАТ

"Xalq mobile" мобиль иловасининг янги версияси жорий қилинади ва унинг афзалликларини мижозларга тарғиб қилган ҳолда...

форматдаги "Call center"ни ишга туширмоқда. Умуман олганда, 2020 йилда Халқ банки томонидан аҳоли эҳтиёжларини чўқур ўрганиш асосида...

Хизмат кўрсатишда инсон омили камаяди

Худудларда мижозларга янада яқин бўлиш — Халқ банкининг яна бир ус-

қидша ёрдам берилди ёки тайёр биз-нес-режалар билан таъминланади. Янги, жозибдор кредит турлари жорий қилинади ва "Скоринг" тизими ёрдамида кредит ажратиш жараёни тезлаштирилади...

шундан фойдаланган ҳолда, мижозларга кўрсатилаётган янги хизмат ва маҳсулотлар тури кўпайтирилади. Корпоратив бошқаруви тақомиллаштириш ва трансформация қилишда жаҳоннинг етакчи ташкилотларидан газначилик, риск, бухгалтерия ва инсон ресурсларини бошқариш (HR) йўналишлари бўйича малакали мутахассислар, консультантлар жалб қилинмоқда...

ХАЛҚ БАНКИ: ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА НИМА БЕРАДИ?

хизмат кўрсатиш кўникмасини шакллантириш кўзда тутилган. Жиззах шаҳрида "Call center" — мижозларга хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш режалаштирилган. Бу ерда банк ходимлари томонидан мес-сенжер, телефон, видеоалоқа ва ижтимоий тармоқлар орқали мижозларнинг муносабатлари қабул қилиниб, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш тизими йўлга қўйилади...

тувор йўналишларидан. Бунда туманларда қўшимча 45 та "Банк хизматлари маркази" ташкил этилади. Шаҳарларда аҳоли салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, инновацион ва технологик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади. Мижозларга қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида 30 та автоматлаштирилган тўлов қабул қилиш машинаси (АДМ) ўрнатилади. Аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида мустақил ўрганиш бўйича ўқув материаллари ва видеороликлар тайёрланади. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 360 та банкومات ўрнатилади ҳамда 15 та "Банк хизматлари маркази" ва 5 та "Смарт офис", яъни ўз-ўзига хизмат кўрсатиш офисларини ташкил этиш орқали янги хизмат кўрсатиш каналлари кенгайтирилади...

лади. Айтиш жоизки "Андеррайтинг" тизими орқали кредит ажратиш муддатлари қисқартирилади.

Халқ банкини трансформация қилишда 4 та устувор йўналиш — чакана хизматларни кенгайтириб, бозорни қамраб олиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, корпоратив бизнесни ривожлантириш, инвестицион фаолиятни ташкил этиш белгилаб олинди.

Халқаро тажрибада, жумладан, АҚШ ва Европа банклари ўз маҳсулотларининг қарийб ярмини айнан «Call center»лар орқали сотади. Яъни ушбу тизим хоризж банкларининг ярим даромадини таъминлаб беради. Шу боис хоризж тажрибаси чўқур ўрганилган ҳолда, Халқ банки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бутунлай янги форматдаги «Call center»ни ишга туширмоқда.

Рақамли банк қандай бўлиши керак?

2020 йилда кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг яқин кўмакчиси ва молиявий ҳамкорига айланиш банкининг яна бир асосий вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада тадбиркорлик марказларини ташкил этган ҳолда, уларга молиявий ва юридик маслаҳатлар берилиб, консалтинг хизматлари кўрсатилади, молиявий саводхонлиги оширилади. Шу билан бирга, бизнес-режалар ишлаб чи-

Корпоратив бизнесни ривожлантиришда индивидуал ёндашув йўлга қўйилади. Бунда 5 — 10 та корпоратив мижозга биттадан масъул менежер бириктирилади. Мижозларга индивидуал ёндашиш орқали ихтисослаштирилган ва инновацион банк хизмат турлари тақриф қилинади. Уларнинг молиявий ҳолати чўқур ўрганилган ҳолда, ўз вақтида зарур молиявий ресурслар билан таъминланади. Умуман олганда, Халқ банкини трансформация қилишда 4 та устувор йўналиш — чакана хизматларни кенгайтириб, бозорни қамраб олиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, корпоратив бизнесни ривожлантириш, инвестицион фаолиятни ташкил этиш белгилаб олинди. Халқ банкининг мамлакатимиз барча ҳудудда филиаллари мавжудлиги унинг салоҳияти ва имконияти нақадар кенглигини кўрсатади. Мана

банкнинг ягона корпоратив тармоғини ташкил этиш режалаштирилган. Шунингдек, "IP телефония" тизимини жорий қилиш ҳамда маълумотлар базасини сақлаш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган сервер қурилмаларини модернизация қилиш кўзда тутилган. Мижозларга масофадан хизмат кўрсатиш бўйича жаҳон стандартлари талабларига мос дастурий тизимларни Халқ банки фаолиятида қўллаш орқали замонавий рақамли банкка айлантириш мақсад қилинган. Буларнинг барчаси, табиийки, янгилаётган Халқ банкининг халқ орасига янада чўқурроқ кириб бориб, мижозлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришига ҳамда мамлакатимиз банк-молия соҳасининг рақамли тизимга ўтишига мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Банк ахборот хизмати. Хизматлар лицензияланган.

га тўғри келаётган ўртача 1,3 та хизмат 3 тага етказилади. Иш самардорлигини янада ошириш мақсадида бугунги кунда пенсия тарқатиб келаётган сайёр кассалар орқали коммунал (электр энергияси, газ, сув) ва бошқа турдаги чакана тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилади. Бу бюд-

маиший техника ва мебель жиҳозларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир йил муддатга, фоизсиз қарз маблағи ажратилади. Айтиш жоизки, ҳозир ушбу лойиҳа доирасида "Медиапарк", "Техномаврт" каби йирик маиший техника савдо тармоқлари билан ҳамкорлик ўрнатилган.

Халқаро тажрибада, жумладан, АҚШ ва Европа банклари ўз маҳсулотларининг қарийб ярмини айнан "Call center"лар орқали сотади. Яъни ушбу тизим хоризж банкларининг ярим даромадини таъминлаб беради. Шу боис хоризж тажрибаси чўқур ўрганилган ҳолда, Халқ банки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб бутунлай янги

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

2019/2020 ўқув йилида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.

Маълумот учун телефон: 71-230-28-52. Факс: 71-230-28-15. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ялангоч даҳаси, 127-«А» уй.

Изоҳ: г — давлат гранти асосида битирувчилар, ш — тўлов-шартнома асосида битирувчилар.

2019/2020 ўқув йилида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот

Table with columns for T/p, Taълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи, коди, Битирувчиларнинг умумий сонини, ш у жумладан (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Наманган вилояти, Фарғона вилояти, Андижон вилояти, Жиззах вилояти, Самарқанд вилояти, Бухоро вилояти, Навоий вилояти, Сирдарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Қашқадарё вилояти, Хоразм вилояти), Корақалпоғистон Республикаси.

ИЛМ, ИННОВАЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ

ИПАКЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?



“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси раиси Баҳром ШАРИПОВ билан суҳбатимиз ўтган даврдаги ислохотлар самараси, иқтисодий ўсиш суръатлари, тармоқдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида бўлди.

— Баҳром ака, ҳозирги шиддатли даврда уч йил кам муддат эмас. Бугун шу соҳанинг ичига чуқур кирган, унинг барча сир-асроридан хабардор мутахассис сифатида ўтган даврни қандай таҳлил этасиз?

— Ипак куртининг ўзи мўъжиза. Унинг бебаҳо ипакка айланиши жараёни ҳар қандай кишини мафтун этади. Соҳанинг ичига кириб борган сари, унинг бор мураккабликлари билан танишиб бораверасиз. Шу маънода, бугун фаолиятимизни таҳлил этар эканмиз, андак шоганимизни англаймиз. Боиси биз чуқур қайта ишлашни кўзлаган эдик. Аммо ипак матомиз дунё бозорига дош бераолмапти. Ҳўш, бунинг сабаби нимада? Хорижий мутахассислар фикрича, ипакнинг сифати жаҳон бозоридан паст. Уни қандай яхшилаш мумкин? Пиллани яхшилаш билан. Бунинг учун эса, аввало, унинг озуқаси сифати бўлиши керак. Шундай қилиб, энди “кўчанинги боши”га келиб қарасак, мустаҳкам замин қўйилмаган экан.

Мана, ақинда давлатимиз раҳбарининг бу борадаги янги қарори чиқди: тўғрилиқда озуқа базасини ривожлантиришга асос бўладиган бу ҳужжат билан ҳақиқий маънода мустаҳкам тамалга эга бўлди.

Ипакчилик тармоғини жадал ривожлантириш учун энди барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Давлатимиз раҳбарининг соҳага доир 6 та ҳаётбахш ҳужжати тармоқнинг барқарор тараққиёти учун дастуриламал бўлмоқда.

Ҳал келганда айтиб ўтсам, яқинда соҳа мутахассислари йиғилиб, келгусидаги режаларни белгилаб олди. Шунда унинг ҳуқуқий асоси ҳақида сўз борди ва таҳлил этиб кўрсак, барча асос етарли экан. Ҳатто мазкур ҳужжатларга яна қандай банд қилишни мумкин, деган саволимизга бирон-бир мутахассис ёки ишлаб чиқарувчи жўяли фикр айтмади. Бу ерда мен уларнинг билим ва тажрибасини камситмоқчи эмасман. Гап шундаки, давлатимиз раҳбари бизга барча имкониятни яратиб берган. Энди камчиликларни ўнглаш ўзимизда қолган. Шу ўринда Навоийнинг бир мисраси ёдимга тушди:

*Тўғр ерга кириб чечак бўлди,
Кўрт жондин кечиб ипак бўлди.
Лола тухминча гайратинг йўқму?!
Пилла куртича химматинг йўқму?!*

Мана давр биздан қандай шиддат ва фидоиликни талаб қилмоқда. Ҳеч бўлмаса, ипак куртидан иборат олганимизда ҳам соҳа бундай орқага кетмаган бўларди. Дарҳақиқат, узоқ йил-

лар давомида эътибордан четда бўлган тармоқнинг қанчалик ортда қолганини бугун фаолиятимизда кўриб турибмиз.

— Албатта, сўзни мақтанишдан бошлашнинг ҳам мумкин эди. Чунки биздаги маълумотларга кўра, соҳада ўсиш кўрсаткичлари яхшигина. Аммо ўзингиз тан олиб айтасизки, камчиликлар талайгина. Соҳадаги муаммолар айнан нималарда кўпроқ акс этмоқда?

— Аввало, илмсизликда. Уюшма раҳбари сифатида, мен тадбиркор эдим, олим эмас. Тўғри, иқтисодий ўсиш, экспорт борасида ютуқларимиз бор. Бу ҳақда кейинроқ гапирсам-да, ҳозир сиз бошлаган мавзуга тўхталсам. Пиллачилик соҳасида мутахассис ва кадрлар етарли эмас. Тармоқда илм йўқ, олим йўқ. Соҳа бегона кадрлар билан тўлган эди. Гапнинг очиги, қайсики, “юқорироқ” амал эгаси ишдан кетса, “пилла”га ўтказиб қўйилган...

Тошкент давлат аграр университетиде соҳага оид факультет бор-у, аммо амалиёт билан алоқаси йўқ эди. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Ипакчилик кафедраси ҳам ёпилиб кетган. Ёшлар соҳани истиқболсиз, дея ҳисобларди. Шу боис Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликни мустаҳкамладик. Ипакчилик илмий-тадқиқот институтини реконструкция қилдик, моддий-техника базасини мустаҳкамлаяпмиз. Уюшмамиз ташаббуси билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Ипакчилик кафедраси очилди. Ҳар йили 20 — 30 нафар мутахассисларни хорижга малака оширишга жўнатилди. Қолаверса, чет элдан етук мутахассислар келиб, уюшмамизда ишламоқда. Мисол учун, уюшма раисининг ўн икки нафар маслаҳатчиси хорижлик. Жумладан, германиялик Андреас Хансен ипакчилик, швейцариялик Ёкут Шмид дизайн, германиялик Франк Эвалтринг стратегияни белгилаш, эронлик Фарух Немҳол гиламчилик, хитойлик Ванг Ёнг Кианг тўқичлик, яна бир хитойлик Чжао Синьхуа ипак курти уруғчилиги бўйича маслаҳатчи сифатида фаолият юритмоқда.

Уйлаيمизки, уларнинг тажрибаси, умуман, илмий фаолиятдаги ишларимиз натижасини беради ва бермоқда ҳам.

Яна бир муаммо — озуқа базаси. Қаровсизлик оқибатида тўтзорлар каммайиб ва сифати пасайиб кетганида. Бундан уш йил олдин, уюшма фаолият бошлаган кезларда, республикамиздаги тўтзорлар қайта инвентаризациядан ўтказилди. Очиғи, манзара аянчли эди. Натижаларга кўра, республикада 43,9 миллион түп тут дарахти, 43,5 минг гектар тўтзор мавжуд экан. Ачинарлиси, 6,3 минг гектар тўтзор бузиб ташланган, салкам 30 миллион түп тут дарахти ноқонуний кесиб кетилган. Биз эса шу давргача ҳам йўқ тўтзорларни “орқа қилиб”, режа белгилаган ва энг қизиги, уни “зафарли баҳариб” келатган эдик. Уша вақтга режа 36 минг тонна этиб белгилаган. Лекин мавжуд тўтзорлар бунча пилла етиштиришга имкон бермасди. Биласиз, бир қути ипак курти мавсум давомиде 900 килограмм барг ейди. Битта тутдан уч килограмм барг олинади. Ана энди эгасизликнинг аҳволини ўзингиз тасаввур қилаверинг...

2017 йилда республикамизда 14 минг тонна пилла етиштирилди, 2018 йилда 18 минг тонна. 2020 йилда бу кўрсаткичи 21 минг тоннага етказиш мўлжалланган. Айтиш жоизки, соҳадаги шаффофлик ва аниқ ҳисоб-китоблар коррупцияни йўқотиш имконини бермоқда.

— Ҳар бир соҳада самарадорлик моддий манфаатдорликка ҳам бориб тақалади. Демокчи бўлганимиз, пиллачи ҳам “кун кўрадиган” пайт келадики?

— Албатта, пиллачиликнинг моддий манфаатдорлиги оширилмоқда. Гап шундаки, уш шароитида пилла етиштирган фуқаролар даромад солигидан озод қилиниб, уларнинг бир мавсум ишлаган даврлари пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтиши ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлангани пиллачилик билан шуғулланиб келатганлар учун жуда катта рағбат бўлди. Бундан ташқари, бир неча маротаба пилла курти боқиш усулининг амалиётга жорий этилиши пиллачиларни доимий иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Биргина мисол, олдинлари ипак курти бир мавсумда бир ярим ой боқиларди. Демак, пиллачи бир-бир ярим ой банд бўларди, қолган вақтда бошқа

— Пиллачиликда қўлланилаётган инновацияларга ҳам тўхталсангиз.

— Икки муҳим инновацияни гапириб бермоқчиман. Биринчиси, пилла усулида пилла етиштириш. Яъни пилла остида пилла курти боқилганида баргларининг намини сақлаш эвазига озукани тежаш ҳамда сифатли хом ашё тайёрлаш имкони юзага келади. Олдинлари курт боққанлар биледи, сўнгги уйқуда куртхонада бир метрга яқин чикинди пайдо бўларди. У нимадан? Курт яхши емаган барг ҳисобидан. Чунки барг намлиги яхши бўлмаган, курт кейингисига ўтиб кетаверган. Натижада озукка исрофи ортиб бораверган. Одатда, барг икки соатда қотади, пилла остида эса тўрт соатда. Бу вақтда у барғни тўлиқ еб тугатади.

Иккинчиси, бир неча мавсумли пилла курти боқиш технологияси. 2019 йилда юртимизда 4 марта пилла етиштирилди. Илгари йилда бир марта ҳам мўлжалдаги ҳосил олинмаган юртимиз шароитида эришилган натижа ҳамма-нинг ҳавасини келтирмоқда. Янгиликни амалиётда қўллаш учун катта маб-лағ сарфланмади. Баландрлар гаплар, бир неча йиллар илгари ишлаб чиқилиб, амалий натижа бермаган “индекс”лардан воз кечган ҳолда, оддий ҳамда пухта ҳисоб-китоблар асосига қурилган лойиҳалар реал ҳаётга таъбиқ этилди, холос. Шу билан бирга, хориж тажрибаси чуқур ўрганилиб, инновация фоя ва технологиялар кенг жорий этила бошланди. Бундан наинки ипак курти парваришлаш жараёнига, балки озуқа етиштириш, зарур ускуна ҳамда жиҳозлар етказиб бериш, қайта ишлаб боқишларига ҳам илгор ишланмаларни таъбиқ қилиш чора-тадбирлари қўриляпти.

Бундан ташқари, 2017 йил сентябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ипакчилик соҳасида дунё мамлакатлари ичиде йигирманчи давлат сифатида Халқаро ипакчилик кенгаши (ISCG) аъзо бўлди. Халқаро даражадаги кўргазма ва форумлар, миллий либослар намойиши ташкил этилди. Ўтган йилда Европанинг “Picanol”, “Vandawiele” ҳамда Жанубий Корея компанияларида ишлаб чиқарилган ипак мато тўқичи, тивук дастгоҳларини ҳамда Япониянинг “Mimaki” компа-



ниясининг ипак матога ранг бериш ва гул бошиш принтерларини ўрнатишга келишиб олинди. Қолаверса, Руминия ва Япония институти билан Ипакчилик илмий-тадқиқот институти ўртасида тажриба алмашиш ҳамда қўшма лойиҳалар асосида тадқиқотлар ўтказиб бориш борасида келишувга эришди.

Бу жараён бизнинг тажриба оширилиши ва амалиётга инновация лойиҳаларини кенгроқ таъбиқ этишимизга ўзига хос платформа вази-фасини ўташи аниқ.

— Ҳар бир соҳада самарадорлик моддий манфаатдорликка ҳам бориб тақалади. Демокчи бўлганимиз, пиллачи ҳам “кун кўрадиган” пайт келадики?

— Албатта, пиллачиликнинг моддий манфаатдорлиги оширилмоқда. Гап шундаки, уш шароитида пилла етиштирган фуқаролар даромад солигидан озод қилиниб, уларнинг бир мавсум ишлаган даврлари пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтиши ҳуқуқий жиҳатдан қафолатлангани пиллачилик билан шуғулланиб келатганлар учун жуда катта рағбат бўлди. Бундан ташқари, бир неча маротаба пилла курти боқиш усулининг амалиётга жорий этилиши пиллачиларни доимий иш билан таъминлаш имконини бермоқда. Биргина мисол, олдинлари ипак курти бир мавсумда бир ярим ой боқиларди. Демак, пиллачи бир-бир ярим ой банд бўларди, қолган вақтда бошқа



иш топишга мажбур эди. Агар тўрт мавсум бўлса, у тўрт қути боқади. Олти ой ипак курти боқиш билан банд бўлса, уч ой тут дарахти экади. Икки ой мавсумга тайёргарлик кўради. Қарабсизки, у доимий иш билан банд. Қолаверса, ойлик даромад олиб турибди. Бу, биринчидан, пилла етиштириш сифатига таъбир кўрсатса, иккинчидан, мутахассисни доимий сақлаб туришга шароит яратди. Шунингдек, боқишма-боқиш пилла нарҳини ошириб бориш назарда тутилмоқда. Албатта, бундан бирдан амалга ошириб бўлмайди. Чунки бугун инвесторлар корхона кўрмоқда, озуқа базасини мустаҳкамламоқда.

— Шу ўринда яна бир фикр. Фермер ёки кишлоқ меҳнат-кашлари пилла курти боқишдан қачон қутулади?

— Саволингиз ноўрин. Биз, аксинча, имконияти мавжуд хонадонларни

аср давомиде ишлатилган, ипак курти зотлари давр талабларига жавоб бермади. Тасдиқланган “Йўл харитаси”-га биноан, ипак курти уруғи етиштиришга ихтисослаштирилган мавжуд корхоналар тўздан модернизация қилинмоқда. Бу жараёнда нафақат хорижий энг илгор технологиялари, балки соҳада юқори малака ва тажрибага эга мутахассислар ҳам жалб этиляпти. Бу эса деярли инкирозга учраган ипак курти уруғчилиги қайта оёққа туришига мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Уруғчилик истиқболсиз ипакчилик соҳаси ривожланишини тасаввур қилиб бўлмайди. Сўзимнинг исботи сифатида айтсам, айни вақтда ипак курти уруғини тайёрлаш бўйича 9 та корхона фаолият юритмоқда. 22 та тут қўчатхонаси ишлаб турибди. 2018-2019 йилларда тизим корхоналари томонидан мавжуд тўтзорлар қошида салкам 800 та пиллахона қурилиб, ўтган мавсумда фойдаланилди. Жорий йилда бундай инновацияни пиллахоналар сонини яна 700 тага ошириш режалаштирилган.

Ўтган йилларда ипак курти ишлаб чиқариш йўналишида 4 та қўшма корхона фаолияти йўлга қўйилди, 5 та маҳаллий корхона реконструкция қилинди. Жорий йилда яна 3 та шу турдаги корхона ишга тушади. Маҳаллий корхоналарда уруғ ишлаб чиқариш ҳар йили 150 минг қутига ошириб борилад. Насиб этса, келгусида уруғ импортига бутунлай барҳам берилади.

Шу ўринда яна бир ҳолатни мамнуният билан айтиб ўтишни истардимки, жорий йилдан бошлаб тут қўчатлари импортига бутунлай чек қўйилди.

Демокчи бўлганим, бугун замон билан ҳамнафас бўлмас эканмиз, ортда қолишимиз мўқаррар.

— Пиллачиликда кластер тизимининг истиқболлари хусусида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Бугунги кунда Ўзбекистон пилла етиштириш борасида дунёда Хитой (800 минг тонна) ва Хиндистон (240 минг тонна)дан кейин учинчи ўринда туради. Кейинги вақтда жаҳон бозориде пилла етиштириш харажатарини ошиб бермоқда. Бу эса Ўзбекистонга дунё инвесторларини жалб этмоқда. Соҳадаги мустаҳкам ҳуқуқий база ҳамда қулай шароит босис улар Ўзбекистонга ишончли ҳамкор сифатида қарамоқда. Таркибиде камиде 4-5 та корхона-бирлаштирган пиллачилик кластерлари яратиш савй-ҳаракатлари аллақачон бошлаб юборилди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, пилла етиштириш ўзига хос бўлиб, унда муваффақиятга эришиш ишни тизимли йўлга қўйишга боғлиқ. Чунки даромаднинг асосий қисмини тайёр маҳсулот ишлаб чиқарганлар олиб кетишади. Қолаверса, пилладан фақат ипак олинмайди.

Тармоқда юз бераётган янгилашлар, яратилаётган қулай шарт-шароитлар инновация лойиҳалар ижросига ҳам кенг йўл очиб, ноънавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда рағбатлантирувчи омилга айланган. Негаки, илгари пиллачиликда фақат тола олинган бўлса, бугун ипак мимиғи тайёрляпти. Хусусан, 2019 йилда хом ашёнинг 50 фоизини

ипак мимиғига айлантириб жаҳон бозорига йўналтирдик. Тўғри, тайёр матога айлантириш катта даромад келтириши мумкин. Аммо маҳсулот тайёрлашдан олдин бозорни ўйлаш керак. Жаҳон бозориде бугун биз ўзимизнинг сифатли тайёр маҳсулотимиз билан мактана олмаимиз.

Инвесторларнинг катта қизиқиши пиллачиликда интеграцияни жадаллаштириш имконини бермоқда. Ипакчиликнинг истиқбол интелеграцияда эканини бугун барчамиз англаб етдик.

— Биламизки, ўзбек ипакнинг асосий харидори Хитой ҳисобланади. Бу йил эса Хитойда тарқалган коронавирус сабаб бординкелдида бир оз алоқа узилди. Бу соҳа истиқболига салбий таъсир этмайдими?

— Тўғри, бизнинг асосий хом ашё экспортидаги ҳамкоримиз Хитой корхоналари. Таъсири бўлиши, табиий. Аммо яна бир жиҳатни эътиборга олишимиз керак. Ўзбекистон пиллачилари ва умуман, пилла мутахассислари қўчат импортидан қутулган. Уруғчиликда ҳам муайян ютуқларимиз бор. Бу жабҳада ҳавотир йўқ. Лекин бозорга келса, анчайин қийин вазият юзага келиши мумкин. Шу билан бирга, умидбахш қарашлар ҳам бор. Бу жаҳон бозорига Хитой воситасисиз чиқиб. Демак, биз янги ҳамкорлар ва янги харидорлар топишга ҳаракат қиламиз. Бу бир жиҳатдан ижобий бўлиши ҳам мумкин. Албатта, бундан вақт кўрсатади.

— Энг истиқболли лойиҳалардан баъзиларига тўхтайиб ўтсангиз. Яъни сўхбатимиз давомиде хорижий мутахассислар билан ҳамкорлик ҳақида айтиб ўтдингиз. Улар билан амалга оширилаётган ёрқин ва жозибадор лойиҳалар борми?

— Ўтган даврда қайта ишлаш корхоналари томонидан янги инновация маҳсулотлар — ипак мимиғи, тут чойи, гумбак ёғи, хитин, хитозан, юрак-қон томирларини мустаҳкамловчи “Кувантин”, иммунитетни мустаҳкамловчи “Ноглюкин” дори воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Умуман олганда, фаолият қарови кенгайиб бора экан, халқимиз ипак куртига “Етти хазинанинг бири” дея таъриф берганининг маъноси натижа бермоқдадир.

Мана шундай истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун уюшма таркибидеги корхоналар томонидан 2018 йилда 50 миллион АҚШ долларидан зиёд, 2019 йилда 68 миллион АҚШ долларидан ошди инвестициялар жалб этилди.

2025 йилгача мўлжалланган дастуриримиздан 182 та истиқболли лойиҳани амалга ошириб, соҳада 1 миллион нафар кишининг бандлигини таъминлаб, маҳсулот экспорт ҳажминини йилгача 500 миллион АҚШ долларига етказиш ўрин олган.

Мақсадимиз соҳа тараққий этиб, халқимизнинг, давлатимизнинг суянган тармоқларидан бирига айлансин. Ўзбек ипағи шухрати яна дунёни тутсин.

Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи») сўхбатлашди.



Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 62 878 нусxada босилди, ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МҲАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Каримова. Мусахҳас — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6